
Ёшлар муаммолари ўрганилди.

Ёшлар муаммоларини аниқлаш, ижобий ҳал этиш чораларини кўриш мақсадида бугунги кунда Қува туманида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Қува тумани Давлат солиқ инспекцияси раҳбари, 4-сектор раҳбари Авазхон Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қува тумани Халқ қабулхонаси мудири Муродилжон Мўйдинов ҳамда масъуллар иштирокида Ёшлар маркази биносида сектор ҳудудидаги уюшмаган ёшлар билан учрашиб уларнинг муаммоларини ўрганди.

Очиқ ва самимий тарзда ўтган учрашувда ёшлар томонидан билдирилган муаммолар тумандаги масъул раҳбарларни бириктирган ҳолда ҳал этиш чоралари кўрилди.

Муддат талаб қилган мурожаатлар юзасидан тегишли чора тадбирлар белгилаб олиниб, қисқа муддатларда ижобий ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан топшириқлар берилди

2023-04-14 23:01:23